

**АКАДЕМИК В.ВОҲИДОВ НОМИДАГИ РЕСПУБЛИКА
ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН ХИРУРГИЯ ИЛМИЙ-АМАЛИЙ
ТИББИЁТ МАРКАЗИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР
БЕРУВЧИ DSc.04/30.12.2019.Tib.49.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

**АКАДЕМИК В.ВОҲИДОВ НОМИДАГИ РЕСПУБЛИКА
ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН ХИРУРГИЯ ИЛМИЙ-АМАЛИЙ
ТИББИЁТ МАРКАЗИ**

ШАҲОСУПОВ АНВАР РУСТАМОВИЧ

**ҚИСИЛГАН ВА ИНФЕКЦИЯЛАНГАН ВЕНТРАЛ ЧУРРАЛАРНИ
ХИРУРГИК ДАВОЛАШДА ЯНГИЧА ЁНДАШИШ**

14.00.27 – Хирургия

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

ТОШКЕНТ – 2022

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси

Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)

Contents of dissertation abstract of doctor philosophy (PhD)

Шаюсупов Анвар Рустамович

Қисилган ва инфекцияланган вентрал чурраларни хирургик
даволашда янгича ёндашиш..... 3

Шаюсупов Анвар Рустамович

Новые подходы в хирургическом лечении ущемленных и
инфицированных вентральных грыж 21

Shayusupov Anvar Rustamovich

New approaches in the surgical treatment of incarcerated and infected
ventral hernias 39

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ
List of published works 43

**АКАДЕМИК В.ВОҲИДОВ НОМИДАГИ РЕСПУБЛИКА
ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН ХИРУРГИЯ ИЛМИЙ-АМАЛИЙ
ТИББИЁТ МАРКАЗИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР
БЕРУВЧИ DSc.04/30.12.2019.Tib.49.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

**АКАДЕМИК В.ВОҲИДОВ НОМИДАГИ РЕСПУБЛИКА
ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН ХИРУРГИЯ ИЛМИЙ-АМАЛИЙ
ТИББИЁТ МАРКАЗИ**

ШАЮСУПОВ АНВАР РУСТАМОВИЧ

**ҚИСИЛГАН ВА ИНФЕКЦИЯЛАНГАН ВЕНТРАЛ ЧУРРАЛАРНИ
ХИРУРГИК ДАВОЛАШДА ЯНГИЧА ЁНДАШИШ**

14.00.27 – Хирургия

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

ТОШКЕНТ – 2022

Тиббиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2017.1.PhD/Tib120 рақами билан рўйхатга олинган.

Диссертация Академик В.Воҳидов номидаги Республика ихтисослаштирилган хирургия илмий-амалий тиббиёт марказида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгашнинг веб-саҳифасида (www.rscs.uz) ва «Ziyonet» ахборот-таълим порталида (www.ziyonet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:	Калиш Юрий Иванович тиббиёт фанлари доктори, профессор
Расмий оппонентлар:	Тешаев Октябрь Рухуллаевич тиббиёт фанлари доктори, профессор Абдуллажонов Баҳром Рустамжонович тиббиёт фанлари доктори, доцент
Етакчи ташкилот:	Бухоро давлат тиббиёт институти

Диссертация ҳимояси Академик В.Воҳидов номидаги Республика ихтисослаштирилган хирургия илмий-амалий тиббиёт маркази ҳузуридаги DSc.04/30.12.2019.Tib.49.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2022 йил «___» _____ соат ___ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100115, Тошкент шаҳри Кичик ҳалқа йўли 10-уй. Тел.: (+99871) 277-69-10; факс: (+99871) 277-26-42; e-mail: cs.75@mail.ru, Академик В.Воҳидов номидаги Республика ихтисослаштирилган хирургия илмий-амалий тиббиёт маркази).

Диссертация билан Академик В.Воҳидов номидаги Республика ихтисослаштирилган хирургия илмий-амалий тиббиёт марказининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (147 рақами билан рўйхатга олинган). Манзил: 100115, Тошкент шаҳри Кичик ҳалқа йўли 10-уй. Тел.: (+99871) 277-69-10; факс: (+99871) 277-26-42.

Диссертация автореферати 2022 йил «___» _____ кuni тарқатилди.
(2022 йил «___» _____ даги ___ рақамли реестр баённомаси).

Ф.Г. Назиров
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси,
тиббиёт фанлари доктори, профессор,
академик

А.Х. Бабаджанов
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш
илмий котиби, тиббиёт фанлари доктори, профессор

Р.А. Ибадов
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш
қошидаги илмий семинар раиси,
тиббиёт фанлари доктори, профессор

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. «Вентрал ва чов чурраларининг энг хавфли асоратларидан бири уларнинг қисилиши бўлиб, бунда ташрихдан кейинги асоратлар ва ўлим кўрсаткичлари режали герниопластикадан кўра юқори»¹. Режали хирургияда синтетик тўрли протезлар ёрдамида чурра дарвозасини пластика қилиш, усулнинг нисбатан соддалиги ва ишончилиги туфайли, аллақачон «олтин» стандарт ҳисобланади. Қисилган чуррали беморларда синтетик тўрлардан фойдаланиш баҳсли масала ҳисобланади. Бундан ташқари, ичак резекцияси билан бирга амалга ошириладиган герниопластикада протездан фойдаланиш катта мунозарани келтириб чиқаради. Олиб борилган тадқиқотлар шуни кўрсатмоқдаки, «қисилган чуррада тўр билан пластика узоқ муддатли яхши натижаларга эришиш имконини берди, бу эса қайталанишлар частотаси пасайишига сабаб бўлди, бироқ уларнинг натижалари йирингли-яллиғланишли яра асоратлари ривожланиши туфайли, аввалгидай, баҳсли бўлиб қолмоқда»². Шунга кўра, герниологияда контаминацияланган шароитларда қорин олд деворининг турли материаллар имплантациясига жавоб реакциясини ўрганиш ўта муҳим ҳисобланади.

Жаҳон амалиётида қисилган чурраларда протезни маҳкамлаш усули, постпротез чурралар ривожланишининг асосий предикторлари ва механизмлари, хирургик аралашув соҳасида инфекцияларнинг интраоперацион профилактикаси каби жиҳатларни ўрганишга йўналтирилган бир қатор мақсадли илмий тадқиқотлар олиб борилмоқда, қисилган чурраларнинг протезли герниопластикаси қўлланилганда қорин олд девори тўқималарининг морфологик ва микробиологик ҳолатини ўрганувчи тадқиқотлар алоҳида аҳамият касб этади. Умуман, қисилган чурраларда бактерияли микрофлоранинг мавжудлиги ташрихдан кейинги яра битиши, протез имплантациясига организмнинг реакцияси ва унинг қабул қилмаслиги эҳтимолига бевосита таъсир кўрсатувчи юқори хавф омили ҳисобланади, шу сабабли патоген микрофлорага таъсир кўрсатишнинг самарали усулларини аниқлаш мақсадида экспериментал ва клиник илмий тадқиқотлар олиб борилмоқда.

Мамлакатимизда хирургияни ривожлантиришнинг замонавий жиҳатлари оператив даволаш ва ташрихдан кейинги реабилитациянинг энг сўнгги тамойилларини жорий қилиш орқали қисилган чурралар билан бўлган беморларда даволаш натижаларини яхшилашга йўналтирилган кўплаб чора-тадбирларни қамраб олади. Янги Ўзбекистонни 2022-2026 йилларда етти устувор йўналиш бўйича ривожлантириш стратегиясига аҳолига малакали тиббий хизмат кўрсатиш сифатини ошириш вазифалари

¹Surek A., Gemici E. et al. Emergency surgery of the abdominal wall hernias: risk factors that increase morbidity and mortality-a single-center experience *Hernia* (2021) 25:679–688 <https://doi.org/10.1007/s10029-020-02293-5>

²Moazzez A., Dubina E.D., Park H., Shover A.L., Kim D.Y., de Virgilio C.M. Outcomes of concomitant mesh placement and intestinal procedures during open ventral hernia repair *Hernia* (2021) 25:701–708

киритилган³. Ушбу вазифаларни амалга ошириш, жумладан, протезли герниопластика ва лазер технологиясини жорий қилиш орқали қисилган вентрал ва чов чуррали беморларни даволаш натижаларини яхшилаш ушбу патологиянинг юқори тиббий-ижтимоий аҳамияти сабаб, шошилишч хирургиянинг, ва умуман олганда, тиббиётнинг долзарб йўналишларидан бири ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 7 декабрдаги ПФ-5590-сон «Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш тизимини тубдан такомиллаштириш бўйича комплекс чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармони, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 4 октябрдаги ПҚ-5254-сон «Хирургия хизматини трансморфация қилиш, ҳудудларда жарроҳлик амалиётлари сифатини ошириш ва кўламини кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ва 2020 йил 12 ноябрдаги ПҚ-4891-сон «Тиббий профилактика ишлари самарадорлигини янада ошириш орқали жамоат саломатлигини таъминлашга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Қарорлари ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Тадқиқот иши республика фан ва технологиялари ривожланишининг VI. «Тиббиёт ва фармакология» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Сўнгги ўн йилликда синтетик протезлар билан боғлиқ чурралар хирургиясида илдамлик кузатилмоқда. Клиник амалиётда синтетик материаллар билан «тортилмайдиган» герниопластика усулларидан фойдаланиш қайталанишларни камайтиришга ёрдам берди. Бироқ бу, ташрихдан кейинги яралар йиринглашида инфилтрат, серома, гематома шаклидаги янги ўзига хос жароҳат асоратларини келтириб чиқарди⁴. Бу организмнинг имплант протезга реакцияси билан боғлиқ. Шунга кўра, бугунги кунда герниологияда қорин олд деворининг турли материаллар имплантациясига жавоб реакциясини ўрганиш жуда муҳим ҳисобланади. Birindelli A. ва ҳаммуал. 2017 йилда қисилган чурра хирургиясида турли протезлардан фойдаланиш бўйича кўп марказли тадқиқотлар олиб борганлар, уларнинг натижалари шошилишч вазиятларда чурраларни даволаш бўйича WSES қўлланмасига киритилган. Ичак тутилиши, ичак некрози ва/ёки унинг резекцияси белгиларисиз қисилган чурраларда ишончлилик даражаси 1А бўлган эндопротездан фойдаланиш мумкин. Бироқ ичак тутилиши, ичак некрози ва унинг резекцияси мавжудлигида синтетик ёки биологик протезлардан фойдаланиш – 2С жуда паст ишончлилик даражасига эга бўлиб, бу ушбу соҳада тадқиқотларни давом эттиришни талаб этади. Протез

³Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги ПФ-60 сон «2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида»ги Фармони.

⁴ Moazzez A., Dubina E. D., Park H., Shover A. L., Kim D. Y., de Virgilio C. M. Outcomes of concomitant mesh placement and intestinal procedures during open ventral hernia repair *Hernia* (2021) 25:701–708 <https://doi.org/10.1007/s10029-020-02332-1>

инфекцияланишининг юқори хавфи мавжуд бўлиб, бу кейинчалик уни олиб ташлашни талаб этиши мумкин⁵.

Яра асоратлари профилактикаси ва давосининг асосий усулларида бири антибиотикотерапия ҳисобланади, аммо, худди шу 2013 ва 2017 йиллардаги WSES тавсияларида, ўтказилган тадқиқотлар қисилган чуррали беморларда протез имплантацияси билан улардан фойдаланиш паст даражадаги ишончлилиқни кўрсатди. Сергеев Е.В. 2006 йилдан 2015 йилгача қисилган чуррали 160 нафар беморларни даволашни таҳлил қилишда йирингли-яллиғланишли асоратлар профилактикаси учун аргон плазмадан фойдаланиш, ташрихдан кейинги эрта даврда маҳаллий яра асоратлари ривожланиш хавфини 12,5% га пасайтиришга имкон берганини аниқлади⁶. Соколова А.С. (2020) ташрихдан кейинги вентрал чуррали 113 нафар беморда ўтказган экспериментал ва клиник илмий тадқиқотларида серома частотасининг 12,1% дан 5,1% га статистик жиҳатдан сезиларли пасайганини аниқлади ($p < 0,05$). Паст ҳароратли аргон плазма, ультратовушли диссекция, юқори интенсив лазер нурланишдан фойдаланиш электрохирургиянинг муқобили ҳисобланади. Шунга қарамай бу соҳадаги тадқиқотлар кўп эмас⁷.

Адабиёт маълумотларини таҳлил қилиш шуни кўрсатдики, қисилган чуррали беморларни хирургик даволаш натижаларини қониқарли деб бўлмайди, шу ўринда ташрихдан кейинги ўзига хос яра асоратлари, яра жараёни кечишининг қониқарсиз тахминлари хавф омилларини аниқлаш, патоген микрофлорага турли таъсир усуллари самарадорлигини таҳлил қилиш, протез герниопластиканинг хирургик ёндашувлари ва комплекс даволашнинг асосий клиник-патогенетик жиҳатларини такомиллаштириш долзарб бўлиб қолмоқда.

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган илмий-тадқиқот муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти «Академик В.Воҳидов номидаги Республика ихтисослаштирилган хирургия илмий-амалий тиббиёт маркази» давлат муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режасига мувофиқ ИТСС – 4 – 11-сон «Қисилган «мураккаб» чурраларда икки қаватли «тортилмайдиган» аллогерниопластиканинг янги усулини ишлаб чиқиш ва жорий қилиш» лойиҳаси доирасида бажарилган (2009-2011й.).

Тадқиқотнинг мақсади протезли герниопластикани жорий қилиш ва юқори энергияли лазер нурини қўллаш орқали қисилган вентрал чуррали беморларни хирургик даволаш натижаларини яхшилашдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

⁵Birindelli A, Sartelli M, Di Saverio S et al (2017) 2017 update of the WSES guidelines for emergency repair of complicated abdominal wall hernias. World J Emerg Surg 12:37. <https://doi.org/10.1186/s13017-017-0149-y>

⁶Сергеев Е.В. Применение низкотемпературной аргоновой плазмы при герниопластике ущемленных послеоперационных вентральных грыж // автореф. дисс. канд.мед.наук: 14.01.17 / Сергеев Евгений Валерьевич – Москва. 2017 23 с.,

⁷Соколова А. С. Использование энергии высокотемпературного двухуровневого плазменного потока при лечении пациентов с послеоперационными вентральными грыжами (клинико-экспериментальное исследование) // автореф. дисс. канд.мед.наук: 14.01.17 / Соколова Анна Сергеевна - Санкт-Петербург. 2020 22 с.

юқори энергияли карбонат ангидридли (CO₂) лазернинг патоген микроорганизм штамларига таъсирини тажрибавий *in vitro* шароитда тадқиқ қилиш;

имплантация соҳаси инфицирланган шароитда полипропилен протезни қўллаш имкониятларини тажриба орқали асослаш;

карбонат ангидрид лазерини қўллашдан сўнг протез имплантациясига тўқималар реакциясини морфологик жиҳатдан аниқлаш;

ташрихдан кейинги яқин даврда йирингли-яллиғланишли яра асоратларининг пайдо бўлиши хавф омилларини аниқлаш;

қисилган чурраларда протез пластикаси ва аутогерниопластикадан фойдаланилган беморларда яра асоратларини қиёсий баҳолаш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида 1993 йилдан 2018 йилгача бўлган даврда академик В.Вохидов номидаги Республика ихтисослаштирилган хирургия илмий-амалий тиббиёт марказида қисилган вентрал ва чов чурралари туфайли, ушбу тоифа беморларни хирургик даволашнинг ишлаб чиқилган тактикасига мувофиқ герниопластиканинг турли усуллари амалга оширилган 227 нафар беморлар олинган.

Тадқиқотнинг предмети қисилган чуррали беморларни хирургик даволашда юқори энергияли лазерли нурлантириш ва аутогерниопластикадан фойдаланиш билан протезли герниопластикани қўллаш натижаларини қиёсий таҳлил қилишдан иборат.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқотда умумклиник, лаборатор, инструментал ва статистик текшириш усулларидан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

озиклантирувчи муҳитларда *E.coli* ва *S.aureus* бактерияларининг икки штамми колонияларининг ўсишини ишончли тарзда камайтирувчи, *in vitro* шароитда нурлантиришда бактерицид таъсирга эришиш учун фокусланмаган режимда юқори энергияли карбонат ангидрид лазерининг оптимал кўрсаткичлари аниқланган;

карбонат ангидрид лазерининг бактерицид, биостимуловчи таъсири сабабли йирингли-яллиғланишли асоратлар пайдо бўлиш частотасини қисқартириши, шу билан бирга пролен тўрға бириктирувчи тўқиманинг ўсиши муддатларини тезлаштиришга, битиш жараёнларининг интенсификациясига кўмаклашиши морфологик тадқиқотлар орқали исботланган;

чурра дарвозаси кичик ўлчамли қисилган кенг ва гигант чуррали беморларда абдоминал гипертензияни юзага келтирмай протез пластикасини амалга оширишга имкон берувчи ташрихдан кейинги ўрта вентрал чурраларни хирургик даволаш усули ишлаб чиқилган;

қисилган чурралар пластикасида фокусланмаган лазерли нурлантиришнинг пролен протез фиксацияланган соҳадаги яра асоратларини интраоперацион олдини олиш имкониятларига таъсири экспериментал-морфологик тадқиқотлар натижалари асосида исботланган;

ичак тутилиши ёки қисилган аъзо некрози билан асоратланган қисилган чурраларда полипропилен протезини имплантациясида яра жараёни кечишининг патогенетик хусусиятларига аниқлик киритилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

бактериологик, экспериментал ва морфологик тадқиқотлар асосида инфекциян яра асоратлари ривожланишини олдини олиши учун фокусланмаган лазерли нурлантиришнинг оптимал кўрсаткичлари аниқланган;

қисилган кенг ва гигант чуррали беморларда абдоминал компартмент синдром юзага келиш хавфсиз қорин деворини ёпиш (коррекция ёки реконструкция) усулини танлаш мезонлари оптималлаштирилган;

гигант ўрта вентрал чурраларни хирургик даволашнинг таклиф этилган усули протез герниопластикани қориничи босимини оширмай амалга оширишга ва шу билан, абдоминал гипертензия юзага келишини олдини олишга имкон бериши исботланган;

протез имплантациясидан олдин апоневроз ва тери ости ёғ клетчаткаларини фокусланмаган лазер билан нурлантиришни клиник амалиётга жорий этиш йирингли-яллиғланишли яра асоратлари частотасини пасайиши ҳисобига қисилган чурраларни хирургик даволашнинг яқин натижаларини яхшиланишига олиб келиши аниқланган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги. Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги беморлар ҳолатини баҳолашнинг объектив мезонлари ва замонавий ташхисот усулларида фойдаланилганлиги, услубий ёндашувлар ва статистик таҳлил тўпламлари тўғри қўлланилганлиги билан асосланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти шундан иборатки, олинган натижалар ва таклифлар назарий аҳамиятга эга бўлиб, қисилган чурраларни хирургик даволаш ва ташрихдан кейинги яқин муддатдаги яра асоратлари профилактикасининг замонавий ютуқларига клиник кечиш хусусиятлари, частотаси, сабаблари ва уларнинг ривожланиш хавф омилларига оид илмий билимларни кенгайтириш ва мустаҳкамлаш, шунингдек, чурра катталиги ва дарвозаси ўлчамига боғлиқ ҳолда апоневроз нуқсонини ёпиш усулини танлашда табақалаштирилган ёндашувлар афзалликларини асослаш ҳисобига муҳим ҳисса қўшиши билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти, қисилган вентрал чурраларни протезловчи герниопластикасида фокусланмаган юқори энергияли лазер нурларидан фойдаланиб яра асоратлари профилактикасининг таклиф этилган усули яра асоратлари умумий сонини, инфилтратлар ва жароҳат йиринглашларини камайтиришга, ташрихдан кейинги эрта давр давомийлигини қисқартиришга имкон берганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Қисилган чурраларни хирургик даволашда тўрли протез ва юқори энергияли лазерли нурланишдан фойдаланиш натижаларини яхшилаш бўйича олинган илмий натижалар асосида:

«Ташрихдан кейинги ўрта вентрал чурраларни хирургик даволаш усули» ишлаб чиқилган (Ихтирога патент №IAP 04605, 28.11.2012 й.). Таклиф этилган усул чурра дарвозаси ўлчами кичик бўлган қисилган кенг ва гигант чуррали

беморларда абдоминал гипертензияни юзага келтирмаган ҳолда протез пластикасини амалга оширишга имкон берган;

ташрихдан кейинги чурраларда қорин олд деворини протезлаш бўйича тадқиқотнинг илмий натижалари асосида ишлаб чиқилган «Ташрихдан кейинги чурраларда қорин олд деворини протезлаш» номли услубий тавсиянома тасдиқланган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2022 йил 9 августдаги 08-23328-сон маълумотномаси). Ишлаб чиқилган тавсиялар ташрихдан кейинги турли шаклдаги вентрал чурраларда протезли герниопластикани амалга оширишга тактик ёндашувларни оптималлаштиришга имкон берган;

қисилган вентрал ва чов чуррالي беморларга хирургик ёрдам кўрсатиш сифатини яхшилаш бўйича олинган натижалар соғлиқни сақлаш амалиётига, хусусан, Андижон давлат тиббиёт институтининг клиникаси ва «Академик В.Воҳидов номидаги Республика ихтисослаштирилган хирургия илмий-амалий тиббиёт маркази»нинг Нукус филиали фаолиятига жорий этилган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2022 йил 9 августдаги 08-23328-сон маълумотномаси). Герниопластика учун синтетик турли протезлар ва юқори энергияли лазерли нурлантириш қўлланилган қисилган чов ва вентрал чуррالي беморларни хирургик даволашнинг тактик ва техник жиҳатларини такомиллаштириш йирингли яра асоратларини 3 баравар камайтиришга имкон берган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 5 та илмий-амалий анжуманларда, жумладан 2 та халқаро ва 3 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 14 та илмий иш чоп этилган, шулардан Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг диссертациялар асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 5 та мақола, жумладан, 3 таси республика ва 2 таси хорижий журналларда нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, тўртта боб, хулосалар, амалий тавсиялар ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат. Диссертациянинг ҳажми 120 бетни ташкил этган.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида ўтказилган тадқиқотнинг долзарблиги асосланган, тадқиқотнинг мақсад ва вазифалари, тадқиқот натижаларининг илмий янгилиги ва илмий-амалий аҳамияти ёритилган, тадқиқот натижаларининг апробацияси ва чоп этилган илмий ишлар, диссертациянинг ҳажми ва таркиби тўғрисидаги маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг «**Қорин девори қисилган чуррالي беморларни ташхислаш ва даволаш тўғрисида замонавий қарашлар**» деб номланган биринчи бобида қисилган вентрал ва чов чуррالي беморларни даволаш тактикаси муаммолари бўйича илмий маълумотлар батафсил таҳлил қилинган, танқидий баҳоланган, умумлаштирилган ва тизимлаштирилган, ечими талаб

этиладиган долзарб масалалар ўрганилган. Адабиётларни таҳлил қилиш натижасида ушбу муаммолар бўйича ечилмаган вазифалар аниқланди.

Диссертациянинг иккинчи бобида **«Клиник ва экспериментал материалларни, тадқиқот усулларини ва фойдаланиладиган лазерли технологияларни тавсифи»** келтирилган. Унда илмий тадқиқот асоси бўлган қисилган чуррали 227 нафар беморнинг клиник материаллари ва фойдаланилган тадқиқот усуллари тавсифланган. Асосий гуруҳни юқори энергияли лазерни қўллаш билан протез герниопластика амалга оширилган 103 нафар бемор ва таққослаш гуруҳини ўз тўқималарини қўллаш усулда хирургик даволанган 124 нафар бемор ташкил этди. Барча аралашувлар 1993 йилдан 2003 йилгача (таққослаш гуруҳ) ва 2004 йилдан 2018 йилгача (асосий гуруҳ) тезкор тартибда бажарилган. Беморлар умумклиник ва махсус инструментал тадқиқот усулларида комплекс текширилган.

Лазер экспозициясининг оптимал дозаси ва вақтини аниқлаш учун биз микроорганизмлар (*St.aureus* ва *E.coli*) билан озуқа муҳитини *in vitro* нурлантирдик. Уларнинг культларини танлаш инфекцияланган операция ярасида учраш частотасига, шунингдек, йирингли-яллиғланишли жараённи моделлаш учун етарлича бўлган колония ҳосил қилувчи бирликлар сонига асосланган. Экспериментал тадқиқот 150 граммдан 200 граммгача оғирликдаги 36 та жинсий етилган Wistar каламушда олиб борилди. Экспериментлар «акад В.Воҳидов номидаги РИИАТМ» ДМ экспериментал хирургия бўлимида бажарилди. Жониворлар тажрибадан чиқарилганидан сўнг протез имплантацияланган жой тўқималарида морфологик тадқиқот олиб борилди.

Диссертациянинг **«Лазерли нурлантиришнинг патоген микроорганизмларга, шунингдек, протез ва биотўқималарнинг экспериментда инфекцияланишида ўзаро таъсирининг структуравий хусусиятларига таъсир кўрсатиши»** деб номланган учинчи бобида эскпериментал ва морфологик тадқиқот натижалари баён қилинган. Шундай қилиб, озуқа муҳитида микроорганизмлар роспасини кечиктириш бўйича *in vitro* орқали фокусланмаган карбонад ангидрид лазери билан нурлантириш самарасини баҳоладик.

Патоген флора колонияларининг минимал ўсиши 25 Вт қувватда, фокусланмаган CO₂ лазери нури билан нурлантиришда см² учун 1 сония таъсир кўрсатилганда кузатилди. Лазер нури таъсирининг ушбу параметрлари тажриба ҳайвонларда ва қисилган чуррали беморларда тўрли протез имплантациясидан олдин қўлланилган.

Кейин *in vivo* равишда 36 та тажриба ҳайвони инфекцияланган яра ва инфекцияланган юзага лазер таъсиридан келиб чиқиб 3 та серияга бўлинди (1-расм).

Тажрибадаги ҳайвонларни серияларга бўлиш: 1- серия лазер таъсирисиз стерил шароитда; 2-серия лазер таъсирисиз инфекцияланган шароитда; 3-серия лазер таъсир билан инфекцияланган шароитда.



1-расм. Апоневроза йирингли-фибринли қатлам аниқланган

Экспериментал тадқиқот натижалари шуни кўрсатдики, лазерли нурлантириш таъсирида 3-серияда операциядан кейинги даврда ярадан ажралган суюқлик миқдори 5-суткада тўлиқ тўхтаган ёки суюқлик ишлаб чиқарилиши 10-12 соат давом этган 2-серия ҳайвонлари билан таққослаганда сезиларли камайган, яра йиринглаши ва протез битмаслиги 2-серияга хос бўлган. (2-расм)



2-расм. Протезни рад этиш билан яра четларининг йиринглаши ва тарқалиши.

3-сериядаги бактериологик тадқиқот натижаларининг таҳлили CO₂ лазерли билан нурлантиришда аниқ бактерицид таъсир қилишини кўрсатди, чунки микроорганизмлар сони ишончли 4×10^7 - 5×10^8 КОЕ/мл дан (ярани нурлантиришгача) 6×10^5 КОЕ/мл гача ва ундан пастрок (нурлантиришдан кейин) камайган ($p < 0.05$). Нурлантириш амалга оширилмаган 2-серияда кўрсаткичлар 4×10^7 - 5×10^8 КОЕ/мл ни ташкил этди.

Жониворлар тажрибадан чиқарилганидан сўнг морфологик тадқиқот учун тўқималар блоки (мушак, апоневроз, протез, тери) олинди. Лазерли нурланиш қорин олд деворининг барча структураларига таъсир кўрсатади. Эпидермисда ва дермисда фибробласт стимуляцияси ва коллаген ҳосил бўлиш интенсификацияси кузатилади.

Яраларга CO₂-лазери билан таъсир кўрсатилган ҳайвонлар гуруҳида ярагинг детритдан тозаланиши аниқ акс этади, чандик жойида фибробластлар

устунлик қилади, бу эса чандикнинг коллаген ҳосил қилиш жараёни интенсификациясини кўрсатади. Эпителий қатламининг чандикқа тегиши, айрим ҳолатларда эса эпителий тилларининг яра қирраларини ёпиши кузатилади. Ўтказилган тадқиқотлар, лазерли нурлантиришнинг тўқималарга таъсирининг асосий морфологик кўриниши кесма юзасида куйиш доғининг мавжудлиги ҳисобланишини ва у ҳарорат натижасида келиб чиқишини кўрсатди. Эҳтимол, куйиш пигментининг бу қатлами яра юзасининг битишини бир оз секинлаштиради, бироқ лазерли нурлантиришнинг бактерицид ва абластик таъсирини ҳам кўрсатади.

Эндопротезнинг ўзи микрроорганизмлар ўтиши учун тўсик ҳисобланмайди, тўр имплантация соҳасидаги инфекция эса бириктирувчи тўқималар ривожланиши ва шаклланишига тўсқинлик қилади ва айрим ҳолларда ҳатто унинг битмаслигига ҳам олиб келади. Бактерицид, биостимулловчи таъсирга эга CO₂ лазерини қўллаш пролен тўрнинг бириктирувчи тўқималар билан ўсишини тезлаштиришга, битиш жараёнининг интенсификациясига ёрдам беради ва йирингли-яллиғланишли асоратлар пайдо бўлиш частотасини қисқартиришга имкон беради, бу эса коллаген тўқималарнинг фаол ҳосил бўлиши ва тўр катакчаларида грануляция тўқималари ўсишини кўрсатади.

Диссертациянинг «**Қисилган вентрал ва чов чуррали беморларда ўз тўқималарини қўллаш усулда хирургик даволаш ва протез герниопластикани қўллаш натижалари ва қиёсий таҳлили**» деб номланган тўртинчи бобида қисилган вентрал ва чов чуррали 227 нафар бемор касаллик тарихининг проспектив ва ретроспектив таҳлилинини қамраб олган клиник тадқиқот келтирилган. I (асосий гуруҳ) проспектив тадқиқотда тўр имплантациясидан олдин юқори энергияли лазердан фойдаланиб протез герниопластика амалга оширилган ва II (таққослаш гуруҳи) тадқиқотда ўз тўқималарини қўллаб герниопластика (мушак-апоневротик, маҳаллий тўқималар) ўтказилган.


Гуруҳлар репрезентативлигини баҳолаш учун текширув, операция аралашуви ва операциядан кейинги давр давомида аниқланган турли тавсиф ва параметрлар бўйича танлов асосида тадқиқот олиб бордик.

I ва II гуруҳда аёллар 77 та (75%) ва 75 та (60,5%) кўп бўлишган, мос равишда эркеклар 26 та (25%) ва 49 та (39,5%) нафар бўлишган. I гуруҳда ўртача ёш $57,2 \pm 1,2$, 2- гуруҳда $55 \pm 1,3$ ни ташкил этди. Иккала гуруҳда ҳам ёш 13 дан 85 ёшгача бўлган.

К.Д. Госкин ва В.В.Жебровский таснифига кўра чурра дўппайиши катталигига бўйича I гуруҳда гигант чуррали беморлар 20 нафар (22,7%), кенг кўламли – 13 та (14,8%), ўртача – 38 та (43,2%), ва кичик ўлчамли 17 та (19,3%) бўлган. II гуруҳда чурра ўлчамига кўра беморлар қуйидаги шаклда тақсимланган: гигант – 11 (14,3%), кенг кўламли – 12 (15,6%), ўрта – 23 (29,9%), ва кичик 31 нафар (40,2%) (3-расм).

Иккала гуруҳда ҳам кичик ва ўрта ўлчамли чурра устунлик қилган, I гуруҳда уларнинг улуши 62%, II гуруҳда эса 70%ни ташкил этади. Иккала

гурухда кенг кўламли чурра сони бир хил бўлган бўлса, гигант чурра I гуруҳда 22%, II гуруҳда 14%ни ташкил этган.



3-расм. Чурра катталигига кўра беморларни тақсимланиши.

Чов чурраси мавжуд беморларда Nyhus L.M. томонидан таклиф этилган таснифдан фойдаландик (1993).

Чов чуррасили беморлар асосан II гуруҳда бўлишган ва 38%ни ташкил этган, I гуруҳда уларнинг улуши атиги 14%ни ташкил этган. Чов-мойк чурраси II гуруҳда 36% билан устунлик қилган, бу беморнинг узоқ муддатли анамнезидан далолат беради.

Кузатувларимизда чурраларнинг барча шаклида қайталаниш I гуруҳда 38 кишида (36,8%), II гуруҳда эса 30 кишида (24,2%) аниқланди, уларнинг сони 1дан 6 барваргача ўзгариб турган. Таққослаш гуруҳида чуррали бемор анамнези $7,5 \pm 0,7$ ёшни ташкил этди ва 0,5 дан 35 ёшгача ўзгариб турган, асосий гуруҳда эса $9,5 \pm 0,93$ ёшни ташкил этган ва 0,1 дан 40 ёшгача ўзгариб турган.

Қисилган чуррада касаллик кечиши ва оперция билан даволашни белгиловчи омиллардан бири қисилиш клиникаси бошланишидан стационарга мурожаат қилишгача бўлган вақт ҳисобланади (5-расм).

II гуруҳда қисилиш клиникаси бошланиши 24 соатгача бўлган вақтда 65 нафар (52,4%) бемор келган, I гуруҳда эса динамика аксинча, қисилган чурра бошланганидан 24 соат ва ундан кечроқ вақтда стационарга мурожаат қилган беморлар улуши 59%ни ташкил этган. Ўртача I гуруҳда мурожаатлар $29,9 \pm 2,7$, II гуруҳда $26,3 \pm 2,7$ ни ташкил этган. I ва II гуруҳ маълумотларига кўра стационарга мурожаат қилиш вақти 24 соатдан кўпроқ вақтни ташкил этган. Ушбу кўрсаткич қисилган орган ҳаётлигини белгиловчи ёмон прогностик омил ҳисобланади.

Қорин бўшлиғини анъанавий рентгеноскопик текширишда I гуруҳда ичак арқчаси ва Клойбер косаси шаклидаги ичак тутилиши белгилари 38 (36,8%) нафар беморда, II гуруҳда эса 25 нафар (20,1%) беморда аниқланди. Қолган ҳолатларда эса рентгенологияда ичак пневмотози ташхисланган.

Текширувнинг яна бир муҳим диагностика усули – бу чурра дўппайишининг УТТ бўлиб, унинг ёрдамида чурра қопчаси (ичак, қорин ёғи) таркибини кўриш, қисилган халқа перистальтикасининг бор ёки йўқлигини, чурра қопчасида йиринг (чурра суви) борлигини аниқлаш мумкин. Катта бўлмаган чурра дарвозасида УТТ апоневроз нуқсони ўлчамини аниқлаш имконини беради.

I гуруҳда УТТ текширувида қисилган ичак (ингичка ёки йўғон) 35 (62,5%) ҳолатда, чурра суви мажбурдигини эса 18 та (32%) беморда аниқлаш имконини берди. Жадвалда келтирилган маълумотлардан келиб чиқиб, Г.Г. Кармазановскийга кўра ушбу усулнинг сезувчанлиги, ўзига хослиги ва умумий аниқлилигини ҳисобладик.

Қисилган ичакда юқори сезувчанлик 87,5% ва умумий аниқлик 75% билан УТТ юқори информативликни исботлайди, бироқ йиринг мавжудлигида ушбу усулнинг сезувчанлиги ва умумий аниқлиги мос равишда 54,5% ва 62,5% ни ташкил этади.

УГ билан беморларни УТТ информатив бўлиб, қисилган орган, кичик ва ўрта чурраларда чурра дарвозасининг ўлчамини ҳақида дастлабки тавсифини бериши мумкин. Ушбу текширувни қисилиш гумонланган барча беморларда ўтказиш лозим.

Операциядан олдинги барча диагностика жараёнларини ўтказиб бўлгандан сўнг иккала гуруҳ беморлари орқа мия анестезияси ёки маҳаллий инфилтрация анестезия билан потенциалликни сақлаган ҳолда эндотрахеал беҳушлик остида тезкор тартибда операция қилинди.

Чурра қопчасининг қисилган таркиби шаклига кўра иккита тадқиқот гуруҳларида беморлар қуйидагича тақсимланди (1-жадвал)

1-жадвал

Беморларни қисилган орган шакли ва чурра суви мавжудлигига кўра тақсимланиши

Гуруҳлар	Қисилган орган			Қисилган орган			U мезон
	Ичак	Резекция	Чурра суви	Қорин ёғи	Резекция	Чурра суви	
I	74** (71,8%)	11 (10,6%)	51** (49,5%)	30** (29,1%)	22 (21,3%)	13** (12,6%)	U _{эмп} =16,5* $\chi^2 = 23.991^{**}$
II	66** (53,2%)	13 (10,5%)	43** (34,6%)	56** (45,1%)	20 (16,1%)	16** (12,9%)	

*- Манн-Уитнинг U мезони $p > 0.05$

** Эркинлик даражалари сони 1га тенг. Мезон қиймати. χ^2 мезон қиймати $p = 0.01$ бўлганда 6.635ни ташкил этади. Омил ва натижадорлик белгилари ўртасидаги алоқа статистик жиҳатдан аҳамиятга эга. Муҳимлилик даражаси $p < 0.001$

** Пирсон коэффициентининг нормаллашган қиймати (C') – 0,438 нисбатан кучли алоқа кучи

Изоҳ – таққослаш гуруҳидаги 2 та беморда чурра қопчаси таркиби сийдик пуфаги бўлган

Хавф омили ва натижа ўртасидаги боғлиқлик кучини баҳолаш мезонини ҳисоблашда омилларнинг боғлиқлигини таҳлил қилиш чурра қопчасида ичак ва чурра суви мавжудлиги ўртасидаги боғлиқликнинг нисбатан кучлилигини кўрсатди, бу χ^2 ($p < 0.001$) ва Пирсон коэффициенти (0,438) билан олинган

маълумотларни тасдиқлайди. Ушбу далил қисилган ичакда суюқликнинг чурра қопага ўтишини ишончли кўрсатади.

II гуруҳда (таққослаш гуруҳи) 1992 йилдан 2003 йилгача 124 нафар беморда чурра дарвозаси пластикаси учун аутогерниопластиканинг турли усуллари қўлланилган.

Асосан чов каналининг олд девори пластикаси (Жирар-Спасокукоцкий, Мартнинов бўйича) 50,5%, Пастемпский бўйича пластика 27,6% ҳолатда ва орқа деворни мустаҳкамлаш (Бассини, Кукужанов бўйича) 12,7% ҳолатда бажарилди. Ушбу кузатишларда 21 нафар беморда ингичка ичак халқаси қисилган. Уларнинг 3 тасида некроз бўлганлиги сабаб «ёнбошма-ёнбош» анастомоз қўйиш билан резекция амалга оширилган. Анастомоз лапаратомия кириш билан қўйилган.

Вентрал чуррали 77 нафар (62%) беморда ҳам қорин олд деворида ўз тўқималари билан пластика қилинди. Операция ва пластика усулининг тавсифи: Шампионер 21 та (27%), Мейо 18 та (23,4%), Сапежко 14 та (18,2%), мушак апоневротик пластикаси 13 та (16,9%), пластикасиз тикиш 5 та (6,5%), Лексер, Троицкий, Воскресенский бўйича 5 та (6,5%), дренажлаш орқали тампонлаш 1 та (1,3%) ҳолатда амалга оширилди.

Чурра тури, унинг жойлашувидан қатъий назар ўз тўқималари билан пластиканинг таранглаштирувчи усуллари қўлланилди. 6 ҳолатда чурра дарвозаси пластикаси бажарилмади. Пластикани рад этишга қуйидагилар сабаб бўлди: 5 та ҳолатда некроз билан ёндош қисилган ингичка ичак халқаси, анастомоз қўйиш билан резекциялашда уларнинг 2 тасида некроз сероз-геморрагик йиринг билан, 1 та ҳолатда диффузиявий сероз-йирингли перитонит билан ёндош бўлган. Битта беморда операция дренажлаш ва қорин олд деворини дренажлаш ва тампонлаш билан яқунланди, қорин вицерал ёғи иплари чурра қопада йиринг мавжудлиги билан қисилган (флегмон). Шунингдек, ушбу гуруҳда ёндош касалликлар ва қисилган чурра асоратлари билан боғлиқ 4 летал натижа қайд этилган.

Вентрал чурранинг протез пластикасида чурра дарвозасини ёпишнинг икки усули қўлланилади: қорин олд деворининг реконструкцияси – апоневроз (чурра дарвозаси) нуқсонини «учма-уч» тикиш, бундан мақсад қорин бўшлиғи деворининг физиологик функциясини тиклашдан иборат; қорин олд девори коррекцияси - (чурра дарвозаси) нуқсонини тикмасдан бажарилади, мақсад қорин бўшлиғи деворининг физиологик функцияларини тикламасдан ва абдоминал компартмент синдроми (АКС) пайдо бўлишдан огоҳлантириб апоневрознинг кенг ва гигант нуқсонларини ёпишдан иборат.

Чов чуррасида Лихтенштейн бўйича чов каналини тўрли протез билан пластикаси «олтин стандарт» ҳисобланади.

Перспектив тадқиқотга I гуруҳни ташкил қилган қисилган чуррали 103 нафар бемор киритилган бўлиб, уларда синтетик тўр билан протезловчи герниопластика амалга оширилган.

Ушбу гуруҳдаги асосий жиҳат мобилизацияланган ёғ тўқималари ва апоневрозни синтетик тўрни маҳкамлашдан олдин «Скальпель-1» қурилмасида 25 Вт қувватга эга, см² га 1 сонияда таъсир кўрсатувчи,

фокусланмаган CO₂ лазери билан нурлантириш бўлди. Олдин олиб ташланган лигатур ёнлари, лигатур гранулалари ва абсцесс ўчоқлари вапоризацияга қадар нурлантирилди.

Шундан сўнг onlay позицияда (апоневрозга) протез фиксацияланди. Ушбу усул 74 та беморда қўлланилди. 5 та ҳолатда 8 см.гача катта бўлмаган чурра дарвозасида протез перитонеал олди қўйилди.

ENS (2009) таснифига кўра чурра дарвозаси кўндалангига ўлчамига кўра беморлар сони: W1 (<4 см) – 11 та, W2 (4-10 см) – 64 та, W3 (10 см >) – 4 нафар бўлди.

Чурра дўппайишининг ўлчами ҳам қорин бўшлиғи нуқсонини ёпиш усулига бевосита таъсир кўрсатади. Кичик ва ўрта чурраларда дўппайиш ҳажми катта бўлмаса ва абдоминал гипертензия юзага келмаса, гигант ва кенг чурраларда катта ҳажми тўғрилаш қорин бўшлиғи ичи босимини ошишига олиб келиши мумкин. Мос равишда нуқсонни ёпишдан олдин кенг ва гигант чурралаи 15 нафар беморда, шунингдек, чурра дарвозаси 8 см.дан катта 17 нафар беморда қорин бўшлиғи босим ўлчанди.

Қорин бўшлиғи гипертензияси бўйича халқаро экспертлар конференцияси тавсияларига кўра ҚББни сийдик пуфагида босим даражаси бўйича аниқладик. Нормада ҚББ 5-7 мм.рт.ст. ҚББ 12 мм.рт.ст.дан юқори бўлганда қорин бўшлиғи гипертензияси деб ҳисобланди. ҚББ ошиши йўқлиги 32 нафар (39%) беморда АКС пайдо бўлиш хавфисиз қорин олд деворини реконструкция қилиш имконини берди.

9 нафар беморда қорин бўшлиғи девори реконструкциясини амалга ошириш имкони бўлмаган, бу 10,2% ҳолатни ташкил этган. Кенг чурра дарвозаси ёки гигант ўлчамли чурра мавжудлигида абдоминал гипертензия хавфисиз апоневроз четларини таққослаш имкон йўқ. ҚББни назорат қилиб қорин бўшлиғи девори коррекцияси амалга оширилди.

Коррекция амалга оширилган беморлар тоифасига ўлчамига кўра кенг ёки гигант чурралаи, бироқ чурра дарвозаси катта бўлмаган беморлар киритилди. Бу вазиятда қорин бўшлиғида чурра қопи таркиби ҳажмини ўз ҳолига қайтариш қорин бўшлиғининг кичрайиши ва ҳатто коррекцияланганда ҳам абдоминал гипертензияга олиб келади. Шу сабаб биз ўрта локализацияли чурраларни жарроҳлик билан даволаш усулини таклиф қилдик. Ушбу усул учун Интеллектуал мулк агентлиги томонидан IAP № 04605-рақамли гувоҳнома олинди. ҚББни назорат қилиб, ўрта чизиқ бўйлаб апоневроз дистал ва проксимал йўналишда таркибни қорин бўшлиғида тузатиш билан кесилди. Апоневрозни кесиш порция шаклда амалга оширилди, таркибни қорин бўшлиғида тўлиқ тузатишда ҚББ кўрсаткичлари 9-10 см.вод.ст. ёки 7 мм.рт.ст.бўлган. Нуқсон чурра қопининг қолдиқлари билан тикилди. Юза лазер билан нурлантирилди ва апоневрозга тўр протез фиксацияланди.

Кейинги кичик гуруҳни қисилган чов чуррасили 15 нафар бемор ташкил этди, уларнинг 13 таси эркак ва 2 таси аёл бўлиб, уларда Лихтенштейн бўйича чов канали пластикаси амалга оширилган.

13 нафар беморда ингичка ичак халқаси қисилгани, барча ҳолатда ҳаётийлиги сақланиб қолгани аниқланди ва қорин бўшлиғида тузатилган.

Иккала ҳолатда ҳам резекцияланган қорин вицерал ёғи ипи бўлган. 5 та (33%) ҳолатда чурра қайталанувчи бўлган.

Леталлик ҳолати 4 та бўлди. Уларнинг сабаблари қуйидагилар бўлган: 2 та ҳолатда ўткир инфаркт миокарди, 1 та ҳолатда ўткир респиратор дистресс-синдром, 1 та ҳолатда қорин бўшлиғида қон кетиши, ўткир геморрогик шок.

Аксарият 85,4% ҳолатда протез фиксацияси билан қорин олд девори рекострукцияси амалга оширилди, бунда 84% ҳолатда onlay позицияда ва фақат 5,6% ҳолатда preretitoneal позицияда бажарилган. Лихтенштейн усули бўйича чов каналини пролен тўр билан протезлаш 14,6% ҳолатда бажарилди.

Протез герниопластика амалга оширилган I асосий гуруҳ ва аутогерниопластика ўтказилган II гуруҳ беморларининг яра асоратлари таҳлил қилинди.

I гуруҳга 103 нафар бемордан 99 таси киритилди, қолган 4 таси летал натижа қайд этилган.

II гуруҳга 124 тадан 113 нафар бемор киритилди, 11 нафар бемор летал натижа сабаб истисно қилинган, 4 ва яна бир нафар беморда операциядан кейин 3-кунда лигатур тешик, кейинроқ нажас тешиги пайдо бўлган, 1 та беморда йирингли-фибриноз перитонит оқиши билан ЭЭА этишмалиги, 1 нафар беморда оперциядан кейинги 3-кунда қариндошларнинг талабига биноан касалхонадан чиқарилган, 2 та бемор жигар циррози ва аниқ асцит туфайли, 2 та ҳолатда эса қорин бўшлиғи пластикаси ўтказилмаслиги сабаб вафот этишган.

Жаҳон шошилинич хирургия жамиятининг қисилган чуррани жарроҳлик билан даволаш бўйича тавсияларини ҳисобга олган ҳолда, кузатувларимизда гуруҳлар яра инфекцияланишига кўра таснифланди.

I гуруҳда жароҳат инфекцияланишининг III ва IV синфи бўлган беморлар устунлик қилиб 56,6% ни ташкил қилишган, айниқса ушбу синфлар операциядан кейинги чурра бўлган беморларда юқори бўлиб, 38,3%ни ташкил этди. II гуруҳ маълумотлари беморларда инфекция юқтиришининг I ва II синфи юқори бўлганини кўрсатди ва бу кўрсаткич 65,4% ни ташкил этган. Иккала гуруҳнинг қиёсий таҳлили танқидий аҳамиятга эга фарқ йўқлигини кўрсатди.

II гуруҳда 113 нафар беморнинг 101 нафарида яра бирламчи битиш билан тузалди. Қолган вазиятларда операциядан кейинги яра асоратлари спектри қуйидагича бўлган: сийдикнинг ўткир тутилиши-1, сером-1, гематома-1, инфилтрат-1, йиринглаш -12 та ҳолатда.

I гуруҳда операциядан кейинги даврда яранинг ультратовушли мониторинги ўтказилди. 39 (39,3%) ҳолатда УТТда операциядан кейинги яра жойида суюқлик мавжуд ўчоқлар аниқланди. Бу серомларнинг барчаси «субклиник» деб тавсифланади, чунки бирор бир клиник кўринишга эга бўлишмаган. Серома пайдо бўлишини кузатишдаги барча ҳолатлар бирор бир кўшимча процедурасиз мустақил ҳал этилди.

ЙЯЖА пайдо бўлишига сезиларли таъсир қилувчи омиллар: ичак қисилиши мавжудлиги, чурра қопадаги йиринг ва ичак резекцияси ($p < 0.05$). Вақтинчалик омиллар эса (қисилиш клиникаси бошланиши 24 соатдан кўп),

анамнезда операция аралашуви мавжудлиги, чурра қайталаниши жароҳат жараёни натижаларига таъсир кўрсатишмаган ($p>0.05$) (2-жадвал).

2-жадвал

Операциядан кейинги яқин даврда йирингли яра пайдо бўлган I ва II гуруҳ омиллари маълумотлари

Омиллар	n	Йиринглар сони			P қиймати
		I гуруҳ (n=3)	II гуруҳ (n=12)	Всего (n=15)	
Бирламчи чурра (чов, киндик, оқ чизик)	118		6	6	p=0,2053*
Операциядан кейинги, қайталанган чов чурраси	94	3	6	9	
Қисилиш клиникаси бошланиш вақти					p=0,1259*
24 соатгача,	111	1	4	5	
24 соат ва кўпроқ	101	2	8	10	
Қисилган орган					p=0,0302**
Қорин ёғи	85		2	2	
Ичак	127	3	10	13	
Чурра қопчасида йиринг бор	113	2	10	12	p=0,0346**
йўқ	99	1	2	3	
Ичак резекцияси	17	0	4	4	p=0,0225**
*-X ² p>0.05					
**- Фишернинг аниқ мезони (икки томонлама) p<0.05					

I гуруҳда бирор ҳолатда ҳам протезни олиб ташлаш талаб этилмади. Беморлар қониқарли ҳолатда стационар даволанишдан чиқарилди.

Асосий параметрларнинг аксарияти I – асосий гуруҳ ва II- таққослаш гуруҳида статистик жиҳатдан таққосланадиган эди, бироқ I гуруҳда иккита кўшимча омил бўлиб, улар юқори энергияли карбонад ангидридли лазер протез имплантациясидан олдин бактерицид мақсадда қўлланилади ва герниопластика учун синтетик тўр протез ҳисобланади. Мос равишда операциядан кейинги яқин даврдаги жароҳат асоратларини таҳлил қилиш ишончли тарзда ($p<0.01$) I гуруҳда «субклиник» серома ҳосил бўлишининг юқори фоизи - 39,4% бевосита тўр имплантацияси билан боғлиқлигини кўрсатди. Протезни маҳкамлашдан олдин мобилизацияланган тери ости ёғ тўқималари ва апоневрозни фокусланган CO₂ лазер нури нурлантириш ишончли тарзда ($p<0,05$) йиринглаш частотасини 3 барабар – таққослаш гуруҳида 10,1%гача, асосий гуруҳда 3% гача пасайтириш имконини берди.

ХУЛОСА

1. 25 Вт. қувватга эга, фокусланмаган карбонад ангидрид лазері нурининг см² га 1 сония экспозициясида нурлантирилган тўқимадан 10 см масофада озуқа муҳитида ишончли тарзда патоген микроорганизмлар ўсиши кечикиши аниқланди

2. Тажрибаларда *in vivo* равишда инфекцияланган юзага юқори энергияли фокусланмаган лазер нури билан таъсир кўрсатиш ($p < 0.01$) патоген микроорганизмлар миқдорини $4 \times 10^7 - 5 \times 10^8$ КОЕ/мл дан 6×10^5 КОЕ/мл га ўртача 3 та қаторга статистик жиҳатдан ишончли тарзда камайтиради, бу эса яранинг бирламчи битиради ва тажриба ҳайвонларида имплантация қилинган протезни сақлаб қолади.

3. Морфологик тадқиқотлар CO₂ лазерининг бактерицид ва биостимулловчи таъсирини тасдиқлади, бу бириктирувчи тўқималар билан пролен тўрни ўстириш муддатларини тезлаштиришга, битиш жараёни интенсификациясига ёрдам беради, бу эса йирингли-яллиғланишли асоратлар пайдо бўлиш частотасини қисқартиришга имкон беради, коллаген тўқималар фаол ҳосил бўлиши ва тўр катакларида грануляция тўқималар ўсишидан далолат беради.

4. Операциядан кейинги яқин даврда йирингли-яллиғланишли яра асоратлари пайдо бўлишига таъсир кўрсатувчи хавф омиллари қуйидагилар бўлди: чурра қопчасида йиринг мавжудлиги ($p = 0,0346$), қисилган ичак ($p = 0,0302$), ичак некрози ($p = 0,0225$).

5. Операциядан кейинги вентрал чуррани хирургик даволаш бўйича ишлаб чиқилган усулни қўллаш ҳажмига кўра гигант ва кенг бўлган ва чурра дарвозаси кичик бўлган W2 (10 см.гача) беморларда абдоминал компартмент синдроми пайдо бўлиш хавфисиз протез герниопластикасини амалга ошириш имконини берди.

6. Қисилган чуррани протез герниопластикасида юқори энергияли фокусланмаган лазерли нурлантиришни интраоперацион қўллаш йирингли жароҳат асоратларини 3%гача камайтиришга имкон берди, бу аутогерниопластикага қараганда - 10,1% ишончли пастроқ ($p < 0,05$).

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ DSc.04/30.12.2019. Tib.49.01 ПРИ
РЕСПУБЛИКАНСКОМ СПЕЦИАЛИЗИРОВАННОМ НАУЧНО-
ПРАКТИЧЕСКОМ МЕДИЦИНСКОМ ЦЕНТРЕ ХИРУРГИИ
ИМЕНИ АКАДЕМИКА В.ВАХИДОВА ПО ПРИСУЖДЕНИЮ
УЧЕНЫХ СТЕПЕНЕЙ**

**РЕСПУБЛИКАНСКИЙ СПЕЦИАЛИЗИРОВАННЫЙ НАУЧНО-
ПРАКТИЧЕСКИЙ МЕДИЦИНСКИЙ ЦЕНТР ХИРУРГИИ ИМЕНИ
АКАДЕМИКА В.ВАХИДОВА**

ШАЮСУПОВ АНВАР РУСТАМОВИЧ

**НОВЫЕ ПОДХОДЫ В ХИРУРГИЧЕСКОМ ЛЕЧЕНИИ
УЩЕМЛЕННЫХ И ИНФИЦИРОВАННЫХ ВЕНТРАЛЬНЫХ ГРЫЖ**

14.00.27 – Хирургия

**АВТОРЕФЕРАТ ДИССЕРТАЦИИ ДОКТОРА ФИЛОСОФИИ (PhD)
ПО МЕДИЦИНСКИМ НАУКАМ**

ТАШКЕНТ – 2022

Тема диссертации доктора философии (PhD) зарегистрирована в Высшей аттестационной комиссии при Кабинете Министров Республики Узбекистана №В2017.1.PhD/Tib120.

Диссертация выполнена в Республиканском специализированном научно-практическом медицинском центре хирургии имени академика В.Вахидова.

Автореферат диссертации на двух языках (узбекский, русский, английский (резюме)) размещен на веб-странице Научного совета (www.rscs.uz) и Информационно-образовательном портале «Ziyonet» (www.ziyonet.uz).

Научный руководитель:	Калиш Юрий Иванович доктор медицинских наук, профессор
Официальные оппоненты:	Тешаев Октябрь Рухаллаевич доктор медицинских наук, профессор Абдуллажанов Бахром Рустамжанович доктор медицинских наук, доцент
Ведущая организация:	Бухарский государственный медицинский институт

Защита диссертации состоится «_____» _____ 2022 г. в _____ часов на заседании Научного Совета DSc. 04/30.12.2019.Tib.49.01 при Республиканском специализированном научно-практическом медицинском центре хирургии имени академика В.Вахидова (Адрес: 100115, г.Ташкент, ул. Кичикхалка йули,10. Тел.: (+99871) 277-69-10; факс: (+99871) 277-26-42; e-mail: cs.75@mail.ru).

С диссертацией можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре Республиканского специализированного научно-практического медицинского центра хирургии имени академика В.Вахидова (зарегистрирована за №147). Адрес: 100115, г.Ташкент, ул. Кичик халка йули, 10. Тел.: (+99871) 277-69-10; факс: (+99871) 277-26-42.

Автореферат диссертации разослан «_____» _____ 2022 года.
(реестр протокола рассылки № _____ от _____ 2022 года).

Ф.Г. Назиров
Председатель научного совета по присуждению ученых степеней,
доктор медицинских наук, профессор,
академик

А.Х. Бабаджанов
Ученый секретарь научного совета по присуждению
ученых степеней, доктор медицинских наук, профессор

Р.А. Ибадов
Председатель научного семинара при научном совете
по присуждению ученых степеней
доктор медицинских наук, профессор

ВВЕДЕНИЕ (аннотация диссертации доктора философии (PhD))

Актуальность и востребованность темы диссертации. «Одним из наиболее опасных осложнений вентральных и паховых грыж является их ущемление, при котором показатели послеоперационных осложнений и летальности превышают таковые при плановой герниопластике»¹. Пластика грыжевых ворот с использованием синтетических сетчатых протезов в плановой хирургии уже является «золотым» стандартом в связи с относительной простотой и надежностью метода. Использование синтетической сетки у пациентов с ущемленными грыжами является спорным вопросом. Более того, использование протезов для герниопластики с сопутствующей резекцией кишечника представляет собой большую дилемму. Проведенные исследования показали, что «пластика сеткой при ущемленных грыжах позволила достичь хороших отдаленных результатов, что привело к снижению частоты рецидивов, однако по-прежнему их результаты остаются дискутабельными, прежде всего за счет развития гнойно-воспалительных раневых осложнений»². В связи с этим, изучение ответных реакций передней брюшной стенки на имплантацию различных материалов в контаминированных условиях весьма актуально в герниологии.

В мировой практике проводится целый ряд целевых научных исследований, направленных на изучение таких аспектов при ущемленных грыжах, как способ фиксации протеза, основные предикторы и механизмы развития постпротезных грыж, интраоперационную профилактику инфекции области хирургического вмешательства, особое значение имеют исследования, изучающие морфологическое и микробиологическое состояние тканей передней брюшной стенки при протезной герниопластике ущемленных грыж. В целом, наличие бактериальной микрофлоры при ущемленных грыжах считается фактором высокого риска, напрямую влияющим на заживление послеоперационной раны, реакции организма на имплантацию протеза и возможного его отторжения в связи с чем ведутся как экспериментальные так и клинические научные исследования с целью определения эффективных способов воздействия на патогенную микрофлору.

Современные аспекты развития отечественной хирургии включают множество мер, направленных на улучшение результатов лечения больных с ущемленными грыжами за счет внедрения современных принципов оперативного лечения и послеоперационной реабилитации. В стратегию развития Нового Узбекистана на 2022-2026 годы по семи приоритетным направлениям включены задачи по повышению качества оказания населению квалифицированных медицинских услуг³. Реализация данных задач, в том

¹Surek A., Gemici E., Ferahman S., Karli M., Bozkurt M.A., Dural A.C., Donmez T., Karabulut M., Alis H. Emergency surgery of the abdominal wall hernias: risk factors that increase morbidity and mortality-a single-center experience *Hernia* (2021) 25:679–688 <https://doi.org/10.1007/s10029-020-02293-5>

²Moazzez A., Dubina E.D., Park H., Shover A.L., Kim D.Y., de Virgilio C.M. Outcomes of concomitant mesh placement and intestinal procedures during open ventral hernia repair *Hernia* (2021) 25:701–708 <https://doi.org/10.1007/s10029-020-02332-1>

³ Указ Президента РУз от 28.01.2022 г. № УП-60 «О стратегии развития Нового Узбекистана на 2022-2026 годы». Сборник законодательных актов.

числе, улучшение результатов лечения больных с ущемленными вентральными и паховыми грыжами путем внедрения протезной герниопластики и лазерных технологий является одним из актуальных направлений ургентной хирургии и медицины в целом, ввиду высокой медико-социальной значимости данной патологии.

